

Фарзанд тарбияси (22-дарс)



13:50 / 04.01.2018 5793

Дарс Қуръони карим ва ҳадислардан ўтилганларни текшириш ила бошланди. Сўнгра ота деди: «Бугун, суюкли фарзандларим, масжид сўровномасини охирига етказиб қўямиз.

Олтинчи савол: Жаннат башорати берилган ўн киши кимлар?

Жавоб: Жаннат башорати берилганлар:

Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Толҳа ибн Убайдуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Зубайр ибн Аввом, Абдурроҳман ибн Авф, Саид ибн Зайд, Абу Убайда Жарроҳ.

Еттинчи савол: Ер юзида биринчи бўлиб қурилган масжид қайси?

Жавоб: Масжидул Ҳаромдир.

Саккизинчи савол: Қуръонда зикр қилинган қушлар қайсилар?

Жавоб: Ҳудҳуд, Қарға, Абобил қушлари.

Тўққизинчи савол: Қуръонда зикр қилинган ҳашаротлар қайсилар?

Жавоб: Чивин, асалари, ўргимчак, чумоли, пашша.

Мана савол-жавоблар ҳам тугади».

Фотима: «Бу ажойиб, гўзал мусобақа экан, унда қимматли маълумотлар бор экан», деди.

Ота деди: «Бугун сизлар билан **“Изн сўраш одоблари”**ни ўрганамиз.

- 1) Ҳеч кимнинг олдига изн сўрамасдан кирмаслик;
- 2) Эшикни оҳисталик ила тақиллатиш. Учта тақиллатишдан оширмаслик;
- 3) “Ким келди?” деб сўралганда “Мен”, демаслик, балки исмини айтишлик;
- 4) Киришга рухсат берилганда кириш ва салом бериш, кўзни қуйи тутиш;
- 5) Ота-онанинг хоналарига қуйидаги уч вақтда изнсиз кирмаслик: 1) бомдод намозидан олдин; 2) айна пешин вақтида; 3) хуфтон намозидан сўнг.

Бу изн сўрашнинг баъзи одоблари».

Маҳмуд: «Отажон! Дўстим Усмон бугун ўйнаётганимизда менга тегинди, кейин бирдан қаттиқ уриб, мени йиқитди. Жуда ғазабландим ва мен ҳам уни урдим», деди.

Ота: «Дўстингни уриб хато иш қилибсан», деди.

Маҳмуд: «Қаттиқ ғазабланган эдим, нима қилсам бўларди?» деди.

Ота: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида бир киши нимадандир ғазабланди, ҳатто юзлари қизариб кетди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Мен бир калимани биламан, агар уни бу одам айтса, ўзидаги нарсаси (ғазаби) кетади. Бу калима будир:

مُحِبٌّ رَجُلًا نَاطِقِيٍّ شَلَّاهُ نَمْرًا لَلْأَبِ دُوعًا

«Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм».

(Имом Бухорий ривояти.)

Ғазабланганда шу калимани айтсанг, Аллоҳ хоҳласа, ғазабинг кетади.

Маҳмуд: «Аллоҳ сизни яхшилик ила мукофотласин, отажон, шундай қиламан», деди.

Ота: «Энди эса Аллоҳнинг тўқсон тўққизта гўзал исмларининг охиргиларини ўрганамиз: **Ҳайй** (тирик, ҳаёт бўлган Зот, Унинг тириклиги, ҳаёти махлуқотларники каби эмас), **Дайян** (ато қилувчи, неъматларни бериб турувчи), **Мааликул мулки зул Жалаали вал Икром** (мутлоқ мулк эгаси, улуғлик ва икром Соҳиби).

Дарсимизнинг охирида Имом Бухорийнинг муборак “Саҳиҳи Бухорий” номли китоблари сўнггида келган ғоятда гўзал ва улуғ бўлган ҳадиси шарифни эшитинглар:

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

“Раҳмонга суюкли икки калима тилга енгилдир, мезонда оғирдир. У - “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи; Субҳаналлоҳил ъазийм”.

Мана бу дарсимиз ҳам тугади. Охирида нима деймиз, эй Маҳмуд?» деди.

Маҳмуд деди:

بُورُوتَاوْ كُرْفَعَتْ سَأْتِنَا اِلَهِ اِلَهِ اِلَهِ اِنَّا دَعَشْنَا كَذْمَحَبَّوْمُهَلْ لَ كَنَا حُبْس

“Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астағфирука ва атувбу илайк”.

(Маъноси: Аллоҳим Сенга ҳамд айтиш билан Сени поклаб ёд этаман. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга истиғфор айтиб, Сенга тавба қиламан).

(Абу Довуд ривояти.)

Биринчи китоб шу ерда ниҳоясига етди.